

ISSN: 2181-1040
DOI: 10.26739/2181-1040
tadqiqot.uz/renaissance



JCAR

**JOURNAL OF CENTRAL
ASIAN RENAISSANCE**



VOLUME 5 | **2024**
ISSUE 1

МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕССАНСИ ЖУРНАЛИ

ЖИЛД 5, СОН 1

ЖУРНАЛ РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ
ТОМ 5, НОМЕР 1

JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE
VOLUME 5, ISSUE 1



МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕСАНСИ ЖУРНАЛИ

№1 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-1040-2024-1>

Бош муҳаррир:

МАДАЕВА ШАҲНОЗА ОМОНУЛЛАЕВНА

фалсафа фанлари доктори, профессор
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:

ЮСУПОВА ДИЛДОРА ДИЛШАТОВНА

фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети

Бош муҳаррир ўринбосари:

ХОЖИЕВ ТУНИС НУРКОСИМОВИЧ

фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕСАНСИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ЖУРНАЛИ ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ

МАДЖИДОВ ИНОМ УРУШЕВИЧ

Ўзбекистон Миллий университети ректори,
профессор (Ўзбекистон)

ҲАКИМОВ АКБАР АБДУЛЛАЕВИЧ

Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Бадий академияси академиги, санъатшунослик фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

МАРИАННА КАМП РУТЦ

Индиана университети ЕвроОсиё тадқиқотлари маркази профессори, тарих фанлари доктори (АҚШ)

ЖЎРАЕВ НАРЗУЛЛА ҚОСИМОВИЧ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети профессори, сиёсий фанлар доктори (Ўзбекистон)

МАХМУДОВА ГУЛИ ТИЛАБОВНА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги “Фалсафа” илмий марказ раҳбари, фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

ИСЛОМОВ ЗОҲИДЖОН МАҲМУДОВИЧ

Ўзбекистон Халқаро ислом академияси илмий ва инновация ишлари бўйича проректори, филология фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

КЛЭР РООСИЕН

Йел университети Славян тиллари ва адабиётлари кафедраси PhD доктори (АҚШ)

АНТонио АЛОНСО МАРКОС

Сан Пабло номидаги СЕУ университети профессори (Испания)

ШИРИНОВА РАИМА ҲАКИМОВНА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети халқаро ишлар бўйича проректори, филология фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

КАРИМОВ ЭЛЁР ЭРИКОВИЧ

Хофстра университети профессори, тарих фанлари доктори (АҚШ)

ГАБИТОВ ТУРСУН ҲАФИЗОВИЧ

Ал Форобий номидаги Қозоғистон Миллий университети профессори, фалсафа фанлари доктори (Қозоғистон)

ЮЛДАШЕВА ФАРИДА ХЎЖАМҚУЛОВНА

Андижон давлат университети “Фалсафа” кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор. (Ўзбекистон)

МИРЗАХМЕДОВ АБДИРАШИД МАМАСИДИКОВИЧ

Наманган муҳандислик-технология институти профессори, фалсафа фанлари доктори (Ўзбекистон)

САФАРОВА НИГОРА ОЛИМОВНА

Навоий давлат педагогика институти фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

ИНАКОВ КОМИЛЖОН ҚОДИРЖОНОВИЧ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

ТОШОВ ХУРШИД ИЛХОМОВИЧ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

ДЖЎРАЕВА НИГОРА АВАЗОВНА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доц.в.б., фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

МИРЗАХМЕДОВ ХУРШИД АБДИРАШИДОВИЧ

Наманган давлат университети в.б. доценти, социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ АКМАЛ ШАРОФОВИЧ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

РЎЗИБОВЕВ ДОСТОНБЕК ДИЛМУРОД ЎҒЛИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети PhD докторанти (Ўзбекистон)

Дизайн-саҳифаловчи: @tadqiqotdesign

КОНТАКТ РЕДАКЦИЙ ЖУРНАЛОВ. WWW.TADQIQOT.UZ

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

EDITORIAL STAFF OF THE JOURNALS OF WWW.TADQIQOT.UZ

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Главный редактор:

МАДАЕВА ШАХНОЗА АМАНУЛЛАЕВНА

доктор философских наук, профессор

Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Заместитель главного редактора:

ЮСУПОВА ДИЛЬДОРА ДИЛЬШАТОВНА

доктор философии (PhD), по философским наукам, доцент
Университета Общественной безопасности Республики Узбекистан

Заместитель главного редактора:

ХОДЖИЕВ ТУНИС НУРКОСИМОВИЧ

доктор философских наук (PhD), Национальный
университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

ЧЛЕНЫ РЕДКОЛЛЕГИИ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКОГО И СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКОГО ЖУРНАЛА РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

МАДЖИДОВ ИНОМ УРУШЕВИЧ

Ректор Национального университета Узбекистана,
профессор (Узбекистан)

ХАКИМОВ АКБАР АБДУЛЛАЕВИЧ

Академия наук Узбекистана,
академик Академии художеств Узбекистана,
доктор искусствоведения, профессор (Узбекистан)

МАРИАННА КАМП РУТЦ

профессор Центра Евроазиатских исследований
Университета Индианы, доктор исторических наук (США)

ДЖУРАЕВ НАРЗУЛЛА КАСИМОВИЧ

профессор Узбекского государственного университета
мировых языков, доктор политических наук (Узбекистан)

МАХМУДОВА ГУЛИ ТИЛАБОВНА

руководитель Научного центра «Философия» при
Национальном Университете Узбекистана имени Мирзо
Улугбека, доктор философских наук, профессор (Узбекистан)

ИСЛОМОВ ЗОХИДЖОН МАХМУДОВИЧ

проректор по научным исследованиям и инновациям
Международной исламской академии Узбекистана,
доктор филологических наук, профессор (Узбекистан)

КЛЭР РООСИЕН

PhD доктор кафедры
Славянских языков и литературы
Йельского университета (США)

АНТонио АЛОНСО МАРКОС

профессор Университета
CEU имени Сан Пабло (Испания)

ШИРИНОВА РАИМА ХАКИМОВНА

проректор по международным связям
Национального Университета Узбекистана
имени Мирзо Улугбека, доктор филологических наук,
профессор (Узбекистан)

КАРИМОВ ЭЛЁР ЭРИКОВИЧ

профессор Университета Хофстра,
доктор исторических наук (США)

ГАБИТОВ ТУРСУН ХАФИЗОВИЧ

профессор кафедры религиоведения и культурологии
Казахского Национального Университета имени Аль-Фараби,
доктор философских наук (Казахстан)

ЮЛДАШЕВА ФАРИДА ХОДЖАМКУЛОВНА

заведующая кафедрой «Философия» Андижанского
государственного университета, кандидат
философских наук, профессор. (Узбекистан)

МИРЗАХМЕДОВ АБДИРАШИД МАМАСИДИКОВИЧ

профессор Наманганского инженерно-технологического
института, доктор философских наук (Узбекистан)

САФАРОВА НИГОРА ОЛИМОВНА

Навоийского государственного педагогического института,
доктор философских наук, профессор (Узбекистан)

ИНАКОВ КАМИЛЖОН КАДЫРЖАНОВИЧ

доцент Национального Университета Узбекистана
имени Мирзо Улугбека, доктор философии (PhD)
по педагогическим наукам (Узбекистан)

ТОШОВ ХУРШИД ИЛХОМОВИЧ

доцент Национального Университета Узбекистана
имени Мирзо Улугбека, доктор философии
по философским наукам (PhD) (Узбекистан)

ДЖУРАЕВА НИГОРА АВАЗОВНА

и.о. доцент Национального Университета Узбекистана
имени Мирзо Улугбека, доктор философии
по философским наукам (PhD) (Узбекистан)

МИРЗАХМЕДОВ ХУРШИД АБДИРАШИДОВИЧ

и.о. доцент Наманганского государственного университета,
доктора философии (PhD) по социологическим наукам
(Узбекистан)

ШУКУРОВ АКМАЛ ШАРОФОВИЧ

Национального Университета Узбекистана имени Мирзо
Улугбека, доктор философии по философским наукам (PhD)
(Узбекистан)

РЎЗИБОВЕВ ДОСТОНБЕК ДИЛМУРОД ЎҒЛИ

докторант кафедры Философии и логики Национального
Университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека (Узбекистан)

Дизайн-верстка: @tadqiqotdesign

КОНТАКТ РЕДАКЦИЙ ЖУРНАЛОВ. WWW.TADQIQOT.UZ

ООО Tadqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

EDITORIAL STAFF OF THE JOURNALS OF WWW.TADQIQOT.UZ

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Chief Editor:

MADAEVA SHAKHNOZA AMANULLAEVNA

Doctor of Philosophical Sciences (DSc), Professor
The National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

Deputy Chief Editor:

YUSUPOVA DILDORA DILSHATOVNA

Doctor of Philosophy (PhD), in Philosophical Sciences,
Associate Professor of the University of Public Security
of the Republic of Uzbekistan

Deputy Chief Editor:

KHODZHIEV TUNIS NURKOSIMOVICH

Doctor of Philosophy (PhD), National University
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

MEMBERS OF THE EDITORIAL BOARD OF THE SCIENTIFIC-THEORETICAL AND SOCIO-PHILOSOPHICAL JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE

MADJIDOV INOM URUSHEVICH

Rector NUUZ, Professor (Uzbekistan)

KHAKIMOV AKBAR ABDULLAEVICH

Academy of Sciences of Uzbekistan,
Academician of the Academy of
Arts of Uzbekistan, Doctor of
Art History, Professor (Uzbekistan)

MARIANNE KAMP RUTZ

Professor of the Center for Eurasian Studies
at Indiana University, Doctor of History (USA)

DZHURAEV NARZULLA KASIMOVICH

Professor of the Uzbekistan State
University of World Languages,
Doctor of Political Sciences (Uzbekistan)

MAKHMUDOVA GULI TILABOVNA

Head of the Scientific Center "Philosophy"
at the National University of Uzbekistan
named after Mirzo Ulugbek, Doctor of
Philosophical Sciences, Professor (Uzbekistan)

ISLAMOV ZOHIDJON MAKHMUDOVICH

Vice-Rector for Research and Innovation of the
International Islamic Academy of Uzbekistan,
Doctor of Philological Sciences, Professor (Uzbekistan)

CLAIRE ROOSIEN

Department of Slavic Languages and Literature
of the Yale University, PhD (USA)

ANTONIO ALONSO MARCOS

Professor of the University of CEU
named after San Pablo (Spain)

SHIRINOVA RAIMA KHAKIMOVNA

Vice-Rector for International Affairs of the National
University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek,
Doctor of Philological Sciences, Professor (Uzbekistan)

KARIMOV ELYOR ERIKOVICH

Professor of the Hofstra University,
Doctor of Historical Sciences (USA)

GABITOV TURSUN KHAFIZOVICH

Professor of the Al-Farabi Kazakh National University,
Doctor of Philosophical Sciences (Kazakhstan)

YULDASHEVA FARIDA KHOJAMKULOVNA

the head of the "Philosophy" department of Andijan
State University, DSc, professor. (Uzbekistan)

MIRZAKHMEDOV ABDIRASHID MAMASIDIKOVICH

Professor of the Namangan Institute of Engineering
and Technology, Doctor of Philosophical Sciences (Uzbekistan)

SAFAROVA NIGORA OLIMOVNA

the Nava'i State Pedagogical Institute, Doctor
of Philosophical Sciences, Professor (Uzbekistan)

INAKOV KOMILJON KODIRJONOVICH

Associate Professor of the National University
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek,
Doctor of Philosophy (PhD) (Uzbekistan)

TOSHOV KHURSHID ILKHOMOVICH

Associate Professor of the National University
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek,
Doctor of Philosophy (PhD) (Uzbekistan)

JURAEVA NIGORA AVAZOVNA

Associate Professor of the National University
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek, (PhD) (Uzbekistan)

MIRZAKHMEDOV KHURSHID ABDIRASHIDOVICH

Acting Associate Professor of
Namangan State University, Doctor of Philosophy
(PhD) on Sociological Sciences (Uzbekistan)

SHUKUROV AKMAL SHAROFOVICH

The National University of Uzbekistan named
after Mirzo Ulugbek, PhD (Uzbekistan)

RO'ZIBOEV DOSTONBEK DILMUROD O'G'LI

doctoral student of the National University of Uzbekistan
named after Mirzo Ulugbek, (Uzbekistan)

Design-pagemaker: @devdasdesign

КОНТАКТ РЕДАКЦИЙ ЖУРНАЛОВ. WWW.TADQIQOT.UZ

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

EDITORIAL STAFF OF THE JOURNALS OF WWW.TADQIQOT.UZ

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


1. Мадаева Шахноза Омонуллаевна ИСТИБДОД АСРИНИНГ МАДАНИЙ КАПИТАЛИ ЁКИ САҚЛАНИБ ҚОЛИНГАН МИЛЛАТ ФЕНОМЕНИ (Профессор Ҳамидулла Акбаров асарлари асосидаги таҳлил).....	7
2. Файзиходжаева Дилбар Иргашевна ШАРҚ УЙҒОНИШ ДАВРИДА МАНТИҚ ИЛМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ.....	13
3. Отаматов Музаффар Абдурашидович ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОНДАГИ ДИНИЙ КОНФЕССИЯЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ ТАҲЛИЛИ.....	19
4. Kandov Bahodir Mirzayevich, Alimukhamedova Nodira Yadgarovna THE INTEGRATION OF THE RENEWING UZBEKISTAN INTO THE WORLD COMMUNITY AND GLOBAL ENVIRONMENTAL PROBLEMS.....	28
5. Djurayev Avaz Akhmedjanovich SOCIAL AND PHILOSOPHICAL PROBLEMS OF DIGITALIZATION PROCESSES IN UZBEKISTAN.....	36
6. Саитмуродов Жобиржон Боймурод ўғли ГЕГЕЛЬНИНГ ТАРИХ ФАЛСАФАСИДА ИНСОН МОҲИЯТИ ЭВОЛЮЦИЯСИ.....	43
7. Маматқулов Санжар Тошпўлатович ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ФАЛСАФАНИНГ ЎҚИТИЛИШИ: ТАРИХИЙ ДИСКУРС.....	51
8. Djurayeva Nigora Avazovna SYSTEM ANALYSIS OF PHILOSOPHICAL CATEGORIES “CIVILIZATION”, “CULTURE” IN THE CONTEXT OF THE PARADIGM OF SOCIAL EXISTENCE.....	59
9. Тошов Хуршид Илхомович ОНГНИ МАНИПУЛЯЦИЯЛАШ ШАКЛЛАРИНИНГ ЦИВИЛИЗАЦИОН ДАВРЛАРДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ.....	67
10. Шамсутдинова Нигина Каримовна СУФИЙСКАЯ СУЩНОСТЬ ПОНЯТИЯ “ДУША” В ВОЗЗРЕНИЯХ АБУ АЛИ ИБН СИНЫ.....	77
11. Zhang Lei SYSTEMATIC PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF THE MECHANISM OF THE "BELT AND ROAD" PROPOSED BY CHINA.....	83
12. Рўзибоев Достонбек Дилмурод ўғли ЭДВАРД САИД ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ГЕНЕЗИСИ ВА “ОРИЕНТАЛИЗМ” АСАРИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ТАҲЛИЛИ.....	90
13. Гулямов Хуршид Жамшетович РАЗРАБОТКА ТРЕБОВАНИЙ К НАУЧНО-ПОНЯТИЙНОМУ АППАРАТУ «КАНОНА МЕДИЦИНСКОЙ НАУКИ».....	102
14. Норбоев Жавлон Акбарали ўғли МУҲИДДИН ИБН АЛ-АРАБИЙНИ ШАРҚ МУСУЛМОН ОЛАМИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА УНИНГ ФАЛСАФАСИНИ ЕВРОПАГА ТРАНСФОРМАЦИЯСИ.....	110

ISSN: 2181-1040

www.tadqiqot.uz

МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕССАНСИ ЖУРНАЛИ**ЖУРНАЛ РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ**
JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE**Мадаева Шахноза Омонуллаевна**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Ижтимоий фанлар факультети “Фалсафа ва мантик” кафедраси
мудир, ф.ф.д., проф.
e-mail: shmadaeva@gmail.com**ИСТИБДОД АСРИНИНГ МАДАНИЙ КАПИТАЛИ ЁКИ САҚЛАНИБ ҚОЛИНГАН
МИЛЛАТ ФЕНОМЕНИ**

(Профессор Ҳамидулла Акбаров асарлари асосидаги таҳлил)

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.12170438>**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг XX аср тарихи мисолида маданий капитал концепциясининг амал қилиш тамойиллари, миллат зиёлиларининг Ватан тарихи, миллий хотирасини сақлаш йўлидаги хизматлари ҳақида фикр юритилади. Филолог олим, профессор Ҳамидулла Акбаровнинг “Чопқир кунлар, нашъали лаҳзалар”, “Замоналарни илғайман юритганда қалам”, “Мароқли фасллар, эъозли мусоҳиблар” каби асарлари ўзбек маданияти тарихи, XX асрда ўзбек театри, санъати, журналистикаси, умуман маданиятининг залворли саҳифалари, ёрқин шахслари ҳақидаги ўлмас хотираларни баён этган ноёб манба сифатида таҳлил этилади. Юртимизда мустақиллик даври санъат ва маданият оламининг ўтган асрдан олган миллий маънавий трансформацияси алоҳида жиҳатларда кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: Маданий капитал, санъат, идентиклик, миллий хотира, менталитет, трансформация, истибдод даври, мустақиллик даври.

Madaeva Shahnoza AmanullaevnaNational University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek,
Faculty of Social Sciences,
Head of the Department of Philosophy and Logic,
Doctor of Philosophy, Prof.
e-mail: shmadaeva@gmail.com**CULTURAL CAPITAL OF THE COLONIAL PERIOD OR A SURVIVING
PHENOMENON OF A NATION**

(Analysis based on the works of Professor Hamidulla Akbarov)

ABSTRACT

This article, using the example of the history of the twentieth century, reflects on the principles of the concept of cultural capital, the merits of the nation's intellectuals in preserving the history and national memory of Uzbekistan. The works of philologist, professor Khamidulla Akbarov, such as “Whirlwind Days, Joyful Moments”, “Golden section of life activity”, “Harmonious Seasons, Pleasant Companions” are bright pages in the history of Uzbek culture, Uzbek theater, art, journalism.

In these works, the phenomenon of culture as a whole in the twentieth century is analyzed as a unique phenomenon, a source describing immortal memories. The national and spiritual transformation of the world of art and culture of the last century during the period of independence of our country is examined in certain aspects.

Key words: Cultural capital, art, identity, national memory, mentality, transformation, the colonial period, period of independence.

Мадаева Шахноза Амануллаевна

Национальный университет Узбекистана имени

Мирзо Улугбека, Факультет Социальных наук,

Заведующая кафедрой “Философия и логика”, д.ф.н., проф.

e-mail: shmadaeva@gmail.com

КУЛЬТУРНЫЙ КАПИТАЛ КОЛОНИАЛЬНОГО ПЕРИОДА ИЛИ СОХРАНИВШЕЙСЯ ФЕНОМЕН НАЦИИ

(На основе произведений профессора Хамидулла Акбарова)

АННОТАЦИЯ

В данной статье на примере истории XX века размышляются принципы понятия культурного капитала, заслуги национальной интеллигенции в сохранении истории и национальной памяти Узбекистана. Произведения филолога, профессора Хамидуллы Акбарова, такие как «Унесённые дни, пронзительные моменты», «Золотое сечение жизнедеятельности», «Чудные моменты в окружении доблестных друзей» являются яркими страницами истории узбекской культуры, узбекского театра, искусства, журналистики в котором феномен культуры в целом в XX веке анализируется как уникальное явление, источник, описывающий бессмертные воспоминания. В отдельных аспектах рассматривается национально-духовная трансформация мира искусства и культуры прошлого века в период независимости нашей страны.

Ключевые слова: Культурный капитал, искусство, идентичность, национальная память, менталитет, трансформация, колониальный период, период независимости.

Кириш. 2024 йилнинг журналистика, маданият ва санъат соҳасидаги энг аҳамиятли ҳодисаси профессор Хамидулла Акбаровнинг 25 январь куни Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасида ўтказилган китоблари тақдими билан бошланди. Адибнинг “Чопқир кунлар, нашъали лаҳзалар”[1], “Замоналарни илғайман юритганда қалам”[2], “Марокли фасллар, эъзозли мусоҳиблар”[3] номли мемуар асарлари ўзбек китобхониға XX асрда ўзбек театри, санъати, журналистикаси, бир сўз билан айтганда маданиятининг залворли саҳифалари, ёрқин шахслари ҳақидаги хотиралар, халқимиз зиёлиларининг миллий маданиятимизда яратган ҳодисалари ҳақидаги ноёб эсдаликлардан ташкил топгандир. Ушбу асарларнинг ўзбек китобхонлик маданиятидаги алоҳида ўрни филология ва журналистика, санъатшунослик соҳасида салмоқли ижод қилган йирик олимнинг ҳаёти давомида шунчаки йиғилган эсдаликлар эмас, миллат тараққиётида синовли ва истибдод даври ҳисобланган ўтган аср санъат ва маданияти миллат қаҳромонлари фаолиятида қандай шаклланди, ҳодисалар – санъат ёки маданият асарлари яратилиши жараёни қандай кечди, сайқал топди, XX аср ўзбек санъати ва маданиятини истибдод даврида ўз жонидан кечиб яратган салафлар ўй кечинмалари, ички туғёнлари предмети нималардан иборат эди, деган кўплаб саволларга жавоб беради.

Ушбу китоблар шунингдек, муаллифнинг ўз позициясида баён қилмоқчи бўлган ҳақиқатдан юқориқ масалаларга ҳам кириб борган. Чунончи XX аср тарихининг ўзигача бўлган узоқ саҳифалари каби бугунги кундан йироқ ва истибдод даврининг мавҳум саволлари, баъзан, маломатлари билан тўла бўлсада, мустақиллик йилларида миллатнинг кечган ҳаёти ва қайтадан тикланган санъат ва маданиятнинг миллий саҳифаларига нималарни узатди, объектив ҳақиқат совет реаллиги эдими ёки реал совет разолати тошини кўтарганча захмат

билан яратилган миллий феноменмиди, деган мулоҳазалар икки контраст даврни туташтирувчи ўта долзарб нуқталарини белгилаб беради.

Китобларнинг ёзилиш усули публицистик характерда бўлиб, қайсидир маънода Тоғай Муроднинг прозаик усулига ўхшаб кетади - эркин, ўқиганда сўз-шеър-куй бирлигини бера оладиган доҳиёна баён усули устоз Ҳамидулла Акбаров китобларига ҳам хослигини кўрамаиз. Шунингдек ушбу китоблар аксарият саҳифаларда XX асрнинг оғир дарди, мураккаб яратилиш жараёни, турли таниқли инсонлар қисматини баён этар экан, баён руҳида самимийлик, ҳар бир респондентга бўлган меҳр, қандай бўлмасин, содир бўлаётган ҳар бир ҳодисани вазминлик билан мулоҳаза қилиш асосида ёритилган. Эҳтимол вақтнинг бу катта қамрови ва вазмин таҳлил муаллиф ўзи яшаган давр инсони сифатида анчайин тажрибадан ўтган, кўникма ҳосил қилган замон ҳодисаларига кўнган ва унинг ҳақиқатларини позитив англаганлиги натижасидир.

Тадқиқот методи. Ушбу тадқиқот ишини яратиш жараёнида Пьер Бурдённинг маданий капитал концепцияси ва Жон Бодриярнинг ижтимоий борлиқ онтологиясидаги симулякр ва симуляция қонуниятидан фойдаланилди. Шунингдек, дискурсив таҳлил усули, тарихийлик ва мантиқийлик тамойили бирлиги қонуниятлари асосида тадқиқот иши ёритилди.

Муҳокама. АҚШ Индиана университети профессори Марианна Камп ва Хофстра университети тарихчи олими Элёр Каримовларнинг “Оилавий тарих лавҳаси: Совет Тошкентига маданий капиталнинг ўтказилиши”[4] номли мақоласида Пьер Бурдённинг маданий капитал концепциясига асосан, габитус[5] маданий феноменни бунёд этувчи омил сифатида талқин этилади. Ҳамидулла Акбаровнинг юқорида номи келтирилган китобларида ҳам ўзбек маданий муҳитида конкрет индивидуумларнинг меҳнат фаолиятида системалашган тизимлар миллий рамзлар, сўзлар, объектлар, оҳанглар, образлар асосида социал тизимда анъанавий феноменнинг унутилаётган ва қайтадан яратилаётган габитус ҳодисаси сифатида намоён бўлади. Унинг қахрамонлари Худойберган Девонов, Юнус Ражабий, Лутфихоним Саримсоқова, Наби Ғаниев, Комилжон Отаниёзов, Манас Левиев каби ўзбек санъатининг дарғалари – фаолияти ва тақдири турлича яқун топган лекин ягона тарихий руҳ бирлаштириб турган инсонлардан иборатдир. Олим асарларида ўтган аср санъати ва маданияти тарихи кўҳна ўтмиш салафлари Форобий, Алишер Навоий ижодига мурожаат билан боғланиб, мумтоз мусиқа баҳонасида Абдурауф Фитрат, унинг рус композитори Успенскийга Шашмақом нотасини олтин ҳисобида ёздиритишни буюртма бергани тарихига етиб келади, жадидлар замонининг маданий ўзгаришлари давридан яна яқин ўтмиш Комилжон Отаниёзов, Мукаррама Турғунбоева, Берта Давидова, Тўхтасин Жалилов билан боғлиқ ёрқин хотираларни баён қилар экан, миллий маданиятнинг яхлит картинасини яратади. Суҳбатдошлар орасида Чингиз Айтматов, Иннокентий Смоктуновский каби йирик фигуралар қиёфаси ва ижодининг ноёб қирралари муаллифлик суҳбатларида жонланади. Ҳар бир катта ҳарфлардаги инсонлар ҳаёти шунчаки хотиралар асосида баён этилмайди, улар ёки уларга яқин бўлган инсонлар билан бўлган суҳбатлар асосида таҳлил қилинади. Хусусан, Марказий Осиёнинг Муҳаммад Раҳимхон II давридан ўз фаолиятини бошлаган биринчи фотографи ва оператори Худойберган Девонов ҳақида : - “Мен учун энг кадрли учрашувлар, ёзма ҳужжатлар, ноёб кадрлар – Худойберган Девонов Хоразмда суратга олган, Красногорскдаги кинофотофоно архив фондида сақланиб келаётган кинолавҳалар ҳамда ўша йиллари барҳаёт бўлган Бекажон Отажонова – Худойберган отанинг турмуш ўртоғининг суҳбатида бўлдим... Архив ҳужжатларига қараганда Худойберган Девоновнинг илк киносюжетлари рус киноси пайдо бўлишидан олдин суратга олингани маълум бўлди” [3.47], - деб қайд этади муаллиф. Хоразм ҳаётининг солномасини давр, макон зиддиятларига қарамай бунёд этиш йўлида жасорат кўрсатган, шўролар сиёсатининг қурбони бўлган Худойберган Девоновнинг сақланиб қолган кадрлари ўзининг тарихий, ижтимоий-маърифий қийматини йўқотгани йўқ, деб таъкидлар экан, олим Лондонда ва Москвада, Куала-Лампурда ва Пекин, Урумчида, Лейденда бу санъаткор, мураббий, геноцид қурбони, чин ўзбек фуқароси ҳақида сўзлаганида ҳорижлик ҳамкасблар ҳайратга келгани эсланади.

Ҳамидулла Акбаров ўзбек зиёлилари оиласида таваллуд топган устазода олим бўлиб, оталари Илёс Акбаров ўзбек халқининг истибодод давридаги биринчи йирик бастакори, дунё таниган олим, ўзбек мусиқа маданиятининг тамал тошини қўйган одам, оналари Ҳафия Муҳамедова ҳам биринчи ўзбек бастакорларидан бўлиб ўзбек фольклори намуналарини йиғиш учун дастлабки экспедицияларни ташкил этган олима эдилар. Мақоланинг таҳлил марказида бўлган асарлар Ҳамидулла Акбаровнинг умр бўйи бир инсончалик умрини олим сифатида яшаб яна ўз даври маданиятининг ҳар бир элементига масъулиятни хис қилган ҳолда сақлаб қолишга уриниш, хотирада қолган воқеаларни майда деталларигача ёзиб қолдиришга ҳаракат қилишда нафақат олимликнинг буюк фазилати, миллат вакили сифатидаги масъулиятни кўрамуз: -“Зарифа опа (ёзувчи Ойбекнинг турмуш ўртоғи – ред: Ш.М) менинг онам - Ҳафия Муҳамедова ва отам – Илёс Акбаров билан “Баланд масжид”даги мусиқа техникумида бирга ўқишганини кўп эшитганман...уйимизда Зарифа, Шарифа(сингиллари) дутор, пианино чалишган. Мунаввар қори ҳам ўша ерга келиб дарс берган. Синфда шапка кийиб ўтирган болани доска ёнига чиқариб, қўлига бўр бериб “Ёзинг: Ўзбек боласига шапка ярашмас”, деганларида барча кулиб юборгани ҳақида шингил-шингил ҳикоялар эшитганман” [3.136].

Ҳамидулла Акбаров асарларидаги воқеалар-фактларнинг аксариятини дурдона манбалар сифатида қабул қилиш мумкин. Хусусан Ўзбек кинематографиясида “Тонг олдида” номли фильм – тарихий драманинг яратилиши кино соҳасидаги жаҳидчилик ҳаракатларининг ҳали илмий муомалага олиб кирилмаган маълумотларидир. Олимнинг ўзи бу ҳодисани таъкидлар экан, “ўзбек киностудияси белгиси билан юзлаб бадиий фильмлар ишлаб чиқарилган. Уларнинг айримлари қаттиқ танқидга учраган. Ижодкорлар ҳибсга олинган. Зиндон азобига учраган. Қатл этилган ёки умр бўйи “агентлар назорати остида бўлишга” ҳукм этилган...Кинода, менимча умуман бадиий ижодда, рус чоризмини, унинг зулмини, адолатсизлигини бунчалик эҳтирос билан, куч-қудрат билан фош этадиган асар бўлмаса керак”[2.177].

“Тонг олдида” тарихий драмага мансуб фильм бўлиб, муаллиф, режиссёр ва бош роль ижроқисси Сулаймон Хўжаевдир. Ушбу фильмнинг сценарийси 1933 йилда ёзилган бўлиб, сақланиб қолмаган, асар мавзуси 1916 йилги кўзғалон, чоризм зулмига қарши бош кўтарган ўзбек ўғлонлари қисматини акс эттиради. Фильмга қарши махсус комиссия ва “О.ОР.”имзоси билан алоҳида мақола уюштирилиб, Сулаймон Хўжаевни миллатчилик уруғини ёқиш, рус пролетариати родини камситиш, контрреволюцион асар яратиш ва техник томондан монтажни билмаслик ва эстетик меъёрларга риоя қилмасликда айблаб қатағон учун яна бир қурбон тайёрланган. Хусусан, “Тонг олдида” фильми сценарийсида шундай гаплар бор эди, -“штаб бошлиғи полковник Михайловга: “Ўша қаланғи-қасанғи туземецларга исён кўтариш беъманилик эканлигини кўрсатинг. Улар дала-даштан, тоғу-адирлардан уйига тунда қайтишига йўл қўйманг. Овқатсиз қолиб ўлаверсин... Отряддагиларга тушунтиринг: минг-минг тузем аблаҳлари рус солдати кийган эски этикнинг таг чармига ҳам арзимаиди” [2.186] Ҳамидулла Акбаров моҳир кинотанқидчи сифатида Сулаймон Хўжаев ижодига баҳо берар экан, “С.Хўжаевнинг буюклиги, узоқни кўра билгани сценарий ёзишда, фильм яратишда, Бобур родини ўйнашда кўзга ташланган бўлса, унинг жасорати, халқига бўлган садоқати асарни “қайти ишлашга” рози бўлмаганида билинди [2.185]. Муаллиф таъкидлашча, фильмни ўзгартиришга муддат берилган, лекин С.Хўжаев бунга рози бўлмаган ва бир йилдан сўнг ҳибсга олиниб, 1937 йилнинг 14 август куни НКВД учлиги томонидан олий жазога ҳукм қилинган. Унинг фарзанди Ўзбекистон республикаси фан арбоби Ҳамид Сулаймонов 1958 йили 25 апрелида маҳкамага хат ёзиб отасининг тақдири ҳақида сўраганида “Отангиз 1943 йил 20 июнда касалликдан вафот этган”, деган мазмунда жавоб келади, холбуки, Сулаймон Хўжаев 1937 йилнинг ўзида отиб ташланган эди. Ҳамид Сулаймонов ҳам 1950-55 йиллар давомида қатағоннинг иккинчи тўлқинида қамоққа олиниб, Сибирга сургун қилинади.

Ўтган аср ўзбек истило даври маданиятининг яратилиши совет даври тизимидаги маданий элементлар фонида ХХI асрга трансформация қилинган ментал қадриятлар билан ўлчанади. Унинг замирида маданиятни мустамлака сиёсатига стереотиплаштиришга

урунилган бир даврда миллий феномен руҳи ажралиб турган асарлар яратиш анъанаси даврий равишда олиб борилган қатағон сиёсатларига қарамай давом этган. Маданият стереотиплашиши кишиларнинг ўзини тутиши, меҳнат қуроллари шакллари, санъат асарларини яратилишида стандартлаштирилган. Маданиятни тизимли таҳлил асосида ўрганилган тадқиқотлар методнинг асослиги сабабли бугунги кунга қадар ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Маданиятни ўрганишда тизимли ёндашувнинг асосчиси М. С. Каган ҳисобланади, у 1974 йилда "Инсон фаолияти: тизимли таҳлил тажрибаси" [6] китобида ўрганиш учун зарур бўлган учта асосни аниқлашни таклиф қилган, маданият тизимни етарли даражада тушуниш учун унинг деталларини - предметли, функционал ва тарихий жиҳатларини англаш зарур... Тизим эса ягона яхлитлик бўлиб, ўзаро бир бутунликни ташкил этувчи элементлардан иборат". Маданиятнинг мавжудлик функцияси структурализм (К. Леви-Стросс, Р. Барт, М. Фуко), постструктурализм (Ж. Деррида, Ф. Лиотар, Ж. Делёз) ва феноменология (Э. Гуссерль, М. Мерло-Понти)[7.95] концепцияларида у ёки бу фарқ билан таҳлил этилган бўлсада, П. Бурдьё маданий капитал ҳақидаги таълимотига кўпроқ структурализм ўз таъсирини кўрсатди. Унга асосан инкорпорациялашган ижтимоийлик ёки габитус тузилмалаштирувчи тузулма сифатида маданий тизимларда амалиёт ва идрокни бирор бир маданий элемент механизмининг шаклланишида кучли ривожлантиради. Бу механизмлар орасида социология ва маданиятшуносликнинг ахлоқий қадриятлар, онг остидаги маданий элементларга лояллик каби параметрлар маданият феноменида миллат, миллийлик, локал қадриятларга бўлган эҳтиром жиҳатларини кўрсатади. Шунинг учун совет тоталитар тузуми даври маданият қадриятлари шакл жиҳатдан байналмилал дўстлик ва қардошлик, совет иттифоқи идеологияси маданий тизимини репрезентация қилувчи характерга эга бўлса ҳам XX аср ўзбек зиёлилари фаолиятида халқ адабиёти, санъати, фанини ривожлантиришда ноёб феномен сифтида миллий рамзлар акс этаверди. Бурдьёга кўра диспозиция, яъни ягона тизимни ҳосил қилувчи маданият элементларининг маълум қонуниятга кўра жойлашуви онг ости орқали бошқарилади. Бир сўз билан айтганда габитус индивиднинг индивидуаль тарихи ва ижтимоий тажриба натижасидир. У янги тажрибани шакллантираётганда менталь тузулманинг мавжуд ҳолатини ижтимоий жараёнга трансформациялаштиради[7.96]. Истило сиёсати даврида совет маданиятининг стандартлашган стереотиплари: раҳнамо тоталитар ғояга содиқлик, "улуғ рус оғаси" образига сиғиниш, габитуснинг визуал таркиби бўлган кийиниш, юриш-туриш ва имо-ишораларда мустабид давр Ўзбекистонининг қизил империя ғоясига содиқ фуқароси образига қарама қарши равишда маданий габитус шакли остида олим Ҳамидулла Акбаров китоби қаҳрамонлари ҳаракатларида миллий – тарихий элементларни рамзлар орқали асарлар-кино, роль, бадий ва илмий асарларига сингдирган инсонлар корпорацияси пайдо бўлади. Мустақиллик даври миллий тараққиётида жадиличликдан кейин боғловчи ғоя бўлган постжадидизм совет даври зиёлиларининг ирода эркинлигини намоён қилган ҳодиса бўлди.

Хулоса. Мустақиллик даври миллий маданият феномени ўзбек халқининг XX аср сиёсий ҳодисаларининг мустабид миллат маданиятини яратиш усуллари тазйқини енган ҳолда миллат зиёлиларининг иродаси билан яратилди. Устоз олим Ҳамидулла Акбаровнинг "Чопқир кунлар, нашъали лаҳзалар", "Замоналарни илғайман юритганда қалам", "Мароқли фасллар, эъзозли мусоҳиблар" номли асарлари мустақиллик йиллари ўзбек ижтимоий-гуманитар фанларида шаклланган стереотип фикрларни, яъни жадиличликдан кейин барча илм-фан, маданият, санъат соҳалари мустабид тузум прессинги остида миллат зиёлилари ирода ва миллий фонни кўрсатишдаги салоҳиятини жиловлаган равишда давом этди, деган қолип фикрларни ўзгартира олувчи илмий асосга эга. Постжадидизм кўринишида давом этган мазкур ҳаракат халқимизнинг замонавий тарихигача бўлган истило сиёсати даврида ҳам миллат омилини кўрсатувчи онг ва шуурий планда намоён бўлувчи жараёнлар ҳодисаси кенг давом этганини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Акбаров Х. Чопқир кунлар, нашъали лаҳзалар. -Тошкент: Инновацион ривожланиш нашрёт матбаа уйи, 2023.
2. Акбаров Х. Замоналарни илғайман юритганда қалам. -Тошкент: Инновацион ривожланиш нашрёт матбаа уйи, 2023.
3. Акбаров Х. Мароқли фасллар, эъзозли мусоҳиблар. -Тошкент: Адабиёт, 2022.
4. JSAR/Марказий Осий ренессанси журнали, 3 жилд, 1-сон. 2023, 7-25 б.
5. Социологическая энциклопедия //https://voluntary.ru/slovari/sociologija-enciklopedija.html
6. Каган М.С. Человеческий деятельность: опыт системного анализа. -М: 1974.
7. Данчук О.В. Культура как научная категория в теоретическо м нас ледии Пьера Бурдые// https://cyberleninka.ru/article. 1/6. 2014

МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕССАНСИ ЖУРНАЛИ

ЖИЛД 5, СОН 1

ЖУРНАЛ РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

ТОМ 5, НОМЕР 1

JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE

VOLUME 5, ISSUE 1

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000